

## Аллоҳ Одам Атони отасиз ва онасиз яратди



18:30 / 08.09.2021 4395

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

**Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида Ийсо худди Одамга ўхшайдир. Уни тупроқдан яратиб, сўнгра унга: «Бўл!» - деди, бас, у бўлди. (Оли Имрон сураси, 59-оят).**

Инсонлар ўлчови ва кўникмаларига биноан қаралса, Ийсо алайҳиссаломнинг туғилишлари одамни ҳайратга солувчи, ғайритабиий ҳодиса ҳисобланади. Шунинг учун аҳли китоблар, хусусан, насоролар Ийсо алайҳиссалом ҳақларида, хоссатан, у кишининг туғилишлари ҳақида ихтилофлар қилишган. У киши отасиз дунёга келганлари учун улар турли-туман афсоналар, бекорчи хаёлларни тўқиганлар.

Ҳолбуки, аҳли китоблар Одам алайҳиссаломнинг тупроқдан яратилганини, Аллоҳнинг пуфлаши оқибатида жон кирганини яхши билишади. Бу ҳақда ҳеч қандай ихтилоф қилишмайди. Йўқ жойдан Одам алайҳиссаломни яратган Зот тирик юрган Марямдан отасиз ҳолда Ийсо алайҳиссаломни ярата олмайдими?! Аллоҳнинг ҳар бир нарсага қодир эканига ишонган эси бор одам бунга ҳеч қандай шубҳасиз иқрор бўлади.

Аллоҳ таоло инсоннинг дунёга келишига ота-онани сабаб қилиб қўйган. Ота-онанинг қўшилиши оқибатида инсоннинг дунёга келиши ҳодисаси

доимий такрорланаверганидан, одам мана шу кўриб турган тажрибасига суяниб, сабабчиларни асосчининг ўрнига қўйиб юборади, ота-она бўлмаса, бола бўлмайди, деган ҳукми чиқаради. Аллоҳ агар хоҳласа, инсонни ота-онасиз ҳам дунёга келтира олиши мумкинлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Аллоҳ таоло бандаларининг эсига ушбу ҳақиқатни солиб туриш учун баъзан умумий қоидадан ташқари чиқиб, айрим нодир ишларни қилиб, одамларнинг кўзига кўрсатиб қўйган. Масалан, фарзанд дунёга келишининг асосий сабабчилари ота-она эмас, балки Аллоҳ эканини билсинлар учун баъзиларни туғмайдиган ёки туғдира олмайдиган қилиб қўйган. Бола туғилишининг асосий сабаби ота-онанинг қўшилиши бўлса, нима учун бир-бирига қўшилган ҳамма ота-оналардан ҳам бола туғилавермайди?! Ҳолбуки, Аллоҳ Одам Атони отасиз ва онасиз яратди. Аёлсиз, фақат эркак кишидан ҳам инсон пайдо бўлиши мумкинлигининг исботи учун Одам Атодан Момо Ҳавони яратди. Эркаксиз, фақат аёлдан ҳам инсон дунёга келиши мумкинлигини эса Биби Марямдан Ийсонинг туғилиши исботлайди. Ҳа, Аллоҳ ҳар бир ишга қодир Зотдир. «Бўл!» деса, бас, хоҳлаган иши бўлади.

***«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди***